

**ЖАДИДЛАР ФАОЛИЯТИДА ИЖТИМОЙ-МАЊАВИЙ
МУАММОЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

*A.Тўхтабоев - Тарих фанлар доктори
Сатторова Дилнавоз Иброҳимжон кизи
Наманган Давлат Университети тарих факультети
1-курс магистранти. Телефон: +998888789296*

Аннотация. Мазкур мақолада жадидлар ҳаракати намояндаларининг маърифатчилик билан чекланиб қолмай, XX аср бошларида жамият ҳаётидаги ижтимоий-мањавий муаммоларга ҳам катта эътибор қаратиб, ушбу муаммолар оқибатларидан ахолини огоҳ этиш ҳамда муаммолар ечимиға қаратилган ишлар сари халқни тарғиб қилишга бағишиланган бир қатор амалий ҳаракатлари таҳлилига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар. Жадид, ижтимоий муаммолар, сиёsat, “руслаштириш сиёsatи”, Беҳбудий, Фитрат, Авлоний, Чўлпон, Исмоилбек Гаспрали.

Кейинги йилларда эълон қилинган тадқиқотларга қараганда, XX аср бошларида майдонга келган Туркистон жадидчилигининг фаолият доираси ижтимоий-сиёсий ҳаётда жадаллик билан кенгая борган ва улар гарчи дастлаб маърифатпарварлар сифатида иш бошлаган бўлсалар ҳам, кўп ўтмасдан ижтимоий ҳаётнинг барча муҳим соҳаларига доир ижтимоий, иқтисодий, мањавий-маърифий қараашларини эълон қила бошлаганлар. Афсуски, шўролар хукмонлиги даврида жадидларнинг миллий уйғониш дастурига жиддий эътибор қаратилмади, аксинча жадидчилик қатағон қилинди, улар томонидан яратилган улкан мањавий мерос камситилди, уларни ўрганиш эса таъкиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 24 январь куни Олий Мажлисга мурожаатномасида жадидчилик ҳаракати намоёндалари меросини изчиллик билан ўрганиш лозимлигини қўйидагича изоҳлаб ўтди: “...Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу мањавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга solaётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”, деган эди[1].

Жадидларнинг янги миллий давлатчиликни ташкил этиш, мактаб-маориф ва ўқиши-ўқитиши, тарихий ва маданий-мањавий меросга янгича муносабат руҳидаги мақола ва тадқиқотлари билан бирга, Туркистон халқларига ижтимоий ҳаётга доир фикр-мулоҳазалари ифода этилган илмий-публицистик, педагогик,

бадий асарлар ҳам яратилди. Бу йўналишдаги асарлар, табиийки, ўтган аср бошларида бошланган миллий уйғониш жараёнида маърифатчилик ҳаракатининг нечоғлик катта ва салмоқли куч сифатида майдонга чиққанини кўрсатади. Жадид намоёндалари ўз халқининг зиёли ва фидойи фарзандлари сифатида ижтимоий ҳаётда тобора марказий ўринни ишғол қилаётган “руслаштириш” сиёсатига, шунингдек, Туркистон ўлкаси учун янгича ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларининг жамиятга таъсири, ва унинг ижобий ва салбий оқибатлари, техник тараққиёт ва унинг истиқболи, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби қун тартибига кўтарган долзарб масалаларга бефарқ қараб турмадилар. Масалан, атоқли ўзбек олимни ва ношири, адаб ва драматург Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан нашр этилган “Ойина” журнали халқимиз онгини уйғотишда, унга ўзлигини танитишда, миллий қадриятларни улуғлаш, замона илм-фан ютуқларини тарғиб этишда, ижтимоий фикрни жонлантиришда катта рол ўйнади. Журнал гарчи З йилга етар-етмас муддат фаолият кўрсатган бўлса ҳам, унинг саҳифаларида миллат ва унинг ҳақ-хукуки, тарихий тараққиёти, тил ва адабиёт масалаларига, дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларга боғлиқ равища амалга оширилаётган ишларга доир кўплаб муносабат руҳидаги мақолалар ҳам чоп этилди. Фикримизча, Беҳбудийнинг “Миллат ўзини англаганидагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалар қатори тенг равища аралаша олади” деган фикрини кенг маъноларда қабул қилмоқ зарур. Ижтимоий масалалар Фитрат асарларида ҳам салмоқли ўрин тутади. Адаб ижодий меросининг муҳим қисмини ташкил этган бу асарлар ўз вақтида Туркистон матбуотидагина эмас, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Кавказ, Волгабўйи матбуоти саҳифаларида ҳам босилди. Унинг “Баёноти сайёхи ҳинди”, “Мунозара”, “Оила” каби илк рисолалари жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маърифатпарварларнинг аксари қисми ўтган аср бошларида содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ўзгаришларни дикқат билан кузатиб бориб, барча туркий халқлар учун муштарак бўлган муаммоларга ҳам эътибор қаратдилар. Тил ва ёзув, мактаб ва ўқиши-ўқитишини ислоҳ қилиш, тарихни ўрганиш, оила ва никоҳ, миллий қадриятларни ўрганиш ва асрлаб-авайлаш, миллий давлатчиликни шакллантиришга муносабат кабилар жадидларни ўйлантирган асосий масалалар эди. Бу масалаларни тадқиқ этувчи мақолаларни кўздан кечирилганда, жадидларнинг жаҳондаги тараққий топган мамлакатларнинг тажрибаларидан хабардорлигини, айрим ўринларда характерли мисоллар келтириб, ўз фикрларини далиллашга интилганликларини кузатиш мумкин. Жадидчилик бу масалада тўғри йўлдан бориб, тараққиёт йўлидан илдам кетаётган мамлакатлар тажрибаларини топиш, ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Ўзларига ҳамфир, ҳаммаслаклар излашга Исмоилбек Гаспрали,

унинг садоқатли шогирди Махмудхўжа Беҳбудий етакчилик қилдилар. Бинобарин “ХХ аср бошидаги Туркистон жадидчилиги Русия ва хориждаги умумтурк ҳаракатчилиги билан жуда яқин, ҳатто ташкилий, амалий алоқада бўлган, дейишга асос бор”. Уйғониш жараёни фақат жадид матбуотидагина намоён бўлмади, балки улар томонидан яратилган бадиий адабиётнинг барча турларини қамраб олди: шеъриятда, насрый асарларда, драматик асарларда янги бошлангаётган даврни ҳарактерловчи, эскилий билан янгилик ўртасидаги курашни акс эттирувчи адабиёт намуналари пайдо бўлди. А.Авлоний, Чўлпон, Сиддиқий-Ажзий шеърлари, М.Беҳбудийнинг “Падарқуш”, А.Қодирийнинг “Жувонбоз”, “Бахтсиз куёв”, Фитратнинг “Чин севиш”, “Ўғузхон”, “Хинд ихтилолчилари”, “Темур сағанаси” каби асарлари шулар жумласидандир. Жадидлар булар билан кифояланмай, педагогик асарларида ҳам она Туркистон ва унда яшовчи ҳалқлар тарихи, миллатни миллат қилиб турувчи омиллар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, ахлоқ, тарбия турлари ҳақида маълумот беришни лозим деб топдилар. Жумладан, Абдулла Авлоний асосий эътиборни бошланғич синфларга қаратиб, дастлабки сабоқлар беришга мўлжалланган “Биринчи муаллим”, унинг узвий давоми бўлган “Иккинчи муалим” дарсликларини яратди. Унинг педагогикага доир асарлари ичида “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китоби асримиз бошларидағи фикрлар тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Ватан тушунчасининг нақадар кенг маъномазмун ифодалавши, уларни асраб-авайлаш зарурати изоҳланади. Албатта, жадидчилик олдинга сурган асосий ғоялар маърифатпарварлик ва миллий истиқлол бўлиб, улар бу ғояларни рўёбга чиқариш учун фидокорларча курашувчи инсонлар эканликларини амалда ҳам, илм-фанда ва маданий баҳсларда ҳам кўрсата олдилар. Огоҳликка даъват каби жаранглаган бу мулоҳазалар кейинги тарихий тараққиёт босқичларида ўз ҳаётий тасдигини топди.

Туркистон Россия империяси мустамлакасига айлантирилгач, маҳаллий ҳалқнинг миллий ва диний қадриятлари, урф-одатлари оёқости қилинди. Мустамлакачилар ислом дини заминида вужудга келган одоб-ахлоқ меъёрлари, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини издан чиқаришни ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб кўйган эди. Бу хусусда турли қонунлар ҳам чиқарилган эдики, улар маҳаллий ҳалқ манфаатига мутлақо мос келмасди. Масалан, Туркистон генерал-губернаторлигига ўрнатилган тартиб-қоидага мувофиқ, илм ва истеъдодидан қатъи назар, 25 ёшга етган туркистонлик фуқаро волост бошқарувчиси ёки қози бўлиши мумкин эди. Бу тартиб етарли илмга эга бўлмаган кишиларнинг қози, мударрис, имом бўлишига замин бўлиб хизмат қилди. Ушбу маккорона сиёsat ҳақида М.Беҳбудий шундай дейди: “Миссионерлар тарафидан ва ёйинки бизни йўқ ва нобуд бўлишимизни ва

шариати муқаддасамизни ҳукмдан қолишини хоҳлатадурғон эски ва мустабид ҳукумат одамлари тарафидан шундай законлар чиқарди”[2].

Маиший турмушни, миллий урф-одатларни ислоҳ қилиш борасида жадидлар талайгина ишларни амалга оширди. Маросимлардаги дабдабозлик ва исрофгарчиликларни кескин танқид қилишди. М.Беҳбудий “Ойина” журналининг 1913 йил 6-7-сонларидағи “Аъмолимиз ёинки муродимиз” мақоласида мусулмонларга қарата “Кулу ва ишрабу ва ло тусрифу” (“Қуръони карим”, “Аъроф” сураси 31-оят. Маъноси: Енглар, ичинглар лекин исроф қилманглар!) оятига риоя қылган ҳолда исрофгарчиликка йўл қўймасликка чақиради. “Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб (қисқа фурсатда) оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар”, дейди[3].

Кейинчалик 1917 йили ҳатто “Шўрои Исломия” ташкилоти ҳам бу хусусда маҳсус қарорнома ҳам чиқарди[4].

Шу билан бирга тараққийпарвар жадидлар асрий миллий қадриятлар ҳамда маҳаллий аҳолининг менталитетига хос ахлоқ-одоб меъёрларининг ҳимоячиси бўлиб чиқдилар. Бу хусусда маърифатпарварлардан Чўлпоннинг қуидаги сўзлари фикримизнинг далилидир: “Эй қариндошлар... катта илтимосимиз шулдурки, Оврўпанинг мўдосидан, шишиасидан, бузук ахлоқидан намуна олмасдан ва бунларға бул жиҳатдан тақлид қиласдан, балки илм, фан, ҳунар, саноатга ўхшашлик маданиятлардан намуна олиб, бул жиҳатдан тақлид қилмоқимиз лозимдур. Оврўпонинг мўдоси ва бузук ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир-қўл қиласур. Бундан сақланингиз!!!”[5].

Илоҳиёт соҳасида билимга эга бўлган жадидлар мавжуд шароитда ислом тушунчасини такомиллаштириш мумкинлиги ва кераклигини тушуниб етганлар. Маҳмудхўжа Беҳбудий (1909), Абдулла Авлоний (1910) ва Абдурауф Фитрат (1915) ўз билимларига таянган ҳолда дунё халқлари маънавий маданиятини сақлашда ислом динининг аҳамиятига оид ўзларининг “Мухтасар ислом тарихи” китобларини яратдилар.

Жадидчилик маданият тўғрисидаги мазкур мулоҳазалардан шундай хуносага келиш мумкин: - XX аср бошларида жадид намояндалари техникавий тараққиёт аста секин кучайиб бораётган ижтимоий онг турларига ҳам жиддий эътибор бердилар. - жадидларнинг ўзи онг ва маданият тўғрисида маҳсус асарлар яратмаган бўлсалар ҳам, у пайтда илмий-назарий қарашлар алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқмаган, лекин уларнинг илмий ва бадиий асарларида ўзаро муносабатлар ҳамда уларнинг ижтимоий аҳамиятига доир муҳим қузатиш ва хуносалар кўплаб учрайди. Бундан келиб чиқадики, жадид намояндалари қолдирган улкан маънавий меросда маданият ривожига тааллукли бўлган таҳлиллар, нозик муносабат ва қузатишларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ

этиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. <https://nrm.uz>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 24 январь куни Олий Мажлисга мурожаатномаси (2020 йил 24 январь).
2. Беҳбудий М. Бизга ислоҳот керак // Нажот, 1917 йил 17 апрель.
3. Беҳбудий М. Бизни кемириувчи иллатлар // “Ойина” журнали, 1915 йил, 13-сон. Б. 342.
4. Шўрои Исломия қарорномаси // Нажот. 1917 йил 10 апрель.
5. Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар // Садои Фарғона. 1914 йил 6 июнь.
6. Ойина, Т., Академия, “2001, 3-б.
7. Қосимов Б., Уйғонган миллат маърифати, Т., Маънавият, 2011.
8. Қозоқов Т. Юксак тараққиёт учун пойдевор. // “Буюк аждодларимизнинг ҳаёти, босиб ўтган шарафли йўли, моддий ва маданий меросини ёшларга ибрат сифатида ўргатишнинг замонавий илмий-педагогик усууллари” Республика илмий-амалий Конференция материаллари тўплами. НамМҚИ нашриёти. 2021 йил.
9. Жўраев Х. Маърифатпарвар жадидлар ҳаракатида маънавий масалалар. // “Буюк аждодларимизнинг ҳаёти, босиб ўтган шарафли йўли, моддий ва маданий меросини ёшларга ибрат сифатида ўргатишнинг замонавий илмий-педагогик усууллари” Республика илмий-амалий Конференция материаллари тўплами. НамМҚИ нашриёти. 2021 йил.